

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 42040

Тошкент ш.

2022 йил “08” 09

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р. У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-001130-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Каримов У.А. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 31-августдаги 137568-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида тўздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи Юнусобод туманидаги 258-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, топохарита, геология, (ЗВОС) ни ҳисобга олган ҳолда). Обьекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланса, келтирилган зарар бажарувчи томонидан қопланади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 150 000 000 (Бир юз эллик миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан

имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инobatга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва кўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф

равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING

КОМПАНИYA” ДУК

Юридик манзили:
100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,
16а-уй.
100021860262 777098805076042

УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВУ

МННО
р/с 23 402 00
ИНН

Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

БАЖАРУВЧИ

“PREMIUM ARCHITECT DESIGN”

МЧЖ

Манзил: Ташкент ш. Учтепа т. 13-даха,
33-уй 44-хонадон.

Телефон: +99893 247-77-07

Р/с: 2020 8000 1006 6447 1001

ОАИТБ «Ипак йўли» «Шахрисабз»

филиали

МФО 01048

ИНН 303892985 ОКЭД – 71 120

Директор

У.А.Каримов



Тошкент шаҳар

**“Юнусобод туманидаги 258-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда).Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг
БАЁНИ**

Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (<i>Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса шитирок этади</i>)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	-БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

“Юнусобод туманидаги 258-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда).Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р.Кучкаров, С.Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, М. Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 23 август куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 137568 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди.Натижаларга асосан танловда “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимиغا муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш кунидан давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 31 августдаги электрон баённомасига асосан “Юнусобод туманидаги 258-сонли умумтаълим мактаби биносини реконструкция қилиш. (АРТ 1-2, топохарита геология ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда). Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун.” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “PREMIUM ARCHITECT DESIGN” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


Комиссия аъзолари.


_____ С. Сағдиев


_____ Ш. Қодиров


_____ О. Ҳамидов


_____ П. Абдусатторов


_____ М. Ҳолмаматова

"Ташкент шаҳар хокимилигининг
Биринчи ўринбосари
Б.С.Рахмонов
2022 й.

Тошкент шаҳар хокимилиги "Ягона буюртмачи хизмати" Иқтисодий
Тошкент шаҳар хокимилигининг 2022 йил 5 августдаги 808-14-0-Q22-сонли қарори
Республика бюджетининг 2022 йил иқтисодий қорак даромдлар режасини орттириб бажаришга қисми ҳисобдан
объектларнинг қуриш бўйича
2022 йилги МАНЗИЛИ РЎЙХАТИ

"Келишилди"
Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқарттириш
бўш бошқармаси
Ш.С.Цукургов
"8" август 2022 й.

№	Объектлар номи ва мазмун	Қуриш босқичи	Локация	Объектнинг умумий қиймати (мулкнинг умумий қиймати)	01.01.22 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	01.01.22 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	2022 йил учун шартли қўйилмагандир аҳоли			2022 йилги фискалдашга топширилмаган			01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	01.01.23 й. ҳозирги ҳолатда объект қилиб қўйилган суммалар	Эмгакчилик рақамлари	Тел. (ғўш)лар	20
									Қуриш - шартли	Жисса	Жисса	Қуриш - шартли	Қуриш - шартли	Қуриш - шартли					
1	Тошкент шаҳар, Девондор тумани, Бобур бўйида 45-йилликнинг қўйилган буюртма объектларини янги ва янгида объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	36 345,115	30 805,313	414,292	30 805,313	31 917,262	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	02.07.2021 й. 1477-сонли	Тошкент шаҳар ҳокимилик 20.03.2021 йил 3-й. ҳозирги ҳолатда	Девондор Invest МФЖ	
2	Тошкент шаҳар Яшилбоғ тумани, Олмас йўлида 390 рақамли қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	18 341,082	17 306,423	196,784	17 306,423	13 031,648	1 779,500	1 779,500	1 779,500	1 779,500	1 779,500	1 779,500	1 779,500	06.07.2021 й. 1494-сонли	Тошкент шаҳар ҳокимилик 20.05.2019 йил 16-ноябрда 518-сонли қарор	"SADINSO XABIBULLO" ХК	
3	Тошкент шаҳар, Урта тумани, Илғирот бўйида 14-йилликнинг қўйилган объектларини янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	18 290,957	12 101,695	590,459	12 101,695	10 565,284	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	26.01.2021 й. 11712-20-1 сонли	Тошкент шаҳар ҳокимилик 04.03.2020 йил 23-сонли қарор	Qor'ibovo МФЖ	
4	Тошкент шаҳар, Шайхонзод тумани, "Зорин" қўйилган объектларини янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	25 528,553	8 448,163	256,501	8 448,163	9 299,481	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	1 000,000	30.12.2021 й. 235-сонли	9-к. Ётав. Ва. Мах. 20.05.2019 йил 01-05/11-1-сонли бўйс	Девондор Invest МФЖ	
5	Тошкент шаҳар Олмас туманида янги қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300	455,300			Юзак Парва Куршиш МФЖ	
6	Тошкент шаҳар, Чиланзор туманида қўйилган "Уштар Навоий ноҳияси" ўзбекистон ва анбаран Девондор Инвестмент га тумани қўйилган объектларини янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500	353,500			Мирал Таштур Сармас	
7	Тошкент шаҳар, Урта туманида 25-сонли объектларни қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700	189,700			Туроп Инвестмент Куршиш	
8	Тошкент шаҳар, Урта туманида 22-сонли объектларни қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700	27,700			Qor'ibovo МФЖ	
9	Тошкент шаҳар, Урта туманида 23-сонли объектларни қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000	25,000			NT Investing	
10	"Ўзбекистонга Ўзбекистоннинг қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300	623,300			таштур	
11	Қўйилган объектларни 28-сонли объектларни қўйилган объектларни янги қуриш	қуриш босқичи	Локация	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000	300,000			таштур	

№	Объектлар номы ва келиши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	Давлат	Об'ектнинг умумий қиймати (инвестициялар қилинган қисми)	01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	2022 йили: умумий қиймати қўйилганлар вакили				2022 йили: фискализация ва таъминлаш		01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	01.01.23 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)	Давлат раёони раҳбари раҳбири	2022 й. иштирокида (бюджет қилинган қисми)		
									Жами қиймати	Қўйилган қисми	Жами қиймати	Қўйилган қисми	Қўйилган қисми	Қўйилган қисми						
1																				
12	Ойроқоват туманидаги 302-сонли ўқувчилик мақсади билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						300,000											ташар
13	Ташкент шаҳар Мирзо Уфғабек туманидаги "Навбахор МФК" ҳудудига таъминотли спорт мажмурасини қуриш дахлида сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						350,000											ташар
14	Ташкент шаҳар Олмасор туманидаги 102-сонли заиф элчилик биноларини қуриш ва таъминотли мақсади билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						200,000											ташар
15	Ташкент шаҳар Давлат тумани, Иккинчи бўғай 51-йўл мақсадидаги "Маҳалла ва ёшларнинг бўғай билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						200,000											ташар
16	Ойроқоват туманидаги 11-Октябрь келишидаги таъминотли бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						152,300											ташар
17	Ойроқоват туманидаги 228-сонли мақсадидаги таъминотли бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат						152,300											ташар
18	Мирзо Уфғабек тумани, "Қорағай" келишидаги "Ташриқ" бўғайнинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат	9 667 418	3 007 210	3 007 210	3 640 870	1 000,000	1 000,000	1 000,000										ташар
19	Ташкент шаҳар, Мирзо Уфғабек туманидаги "Қорағай" келишидаги "Фирқачи бўғай" бўғайнинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат	7 828 530	3 274 085	3 274 085	4 270 605	500,000	500,000	500,000										"Ҳақиқат олам" МФК
20	Ташкент шаҳар, Ойроқоват туманидаги таъминотли бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши	Курчиги бекитилиши ва фойдаланиши шарт ташкил этилиши	давлат					472,200												Таъминотли

Баж. - Ташкент шаҳар, Давлат тумани, 1-йўл бўғайи 45-йўл мақсадида мақсади билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши.

Ташкент шаҳар, Мирзо Уфғабек тумани, 1-йўл мақсадида мақсади билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши.

Ташкент шаҳар, Мирзо Уфғабек тумани, 1-йўл мақсадида мақсади билан бинонинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши.

Мирзо Уфғабек тумани, "Қорағай" келишидаги "Ташриқ" бўғайнинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши.

Ташкент шаҳар, Мирзо Уфғабек туманидаги "Қорағай" келишидаги "Фирқачи бўғай" бўғайнинг реконструкция қилиш шартлари асосида олиб бериш учун давлат-сегмент ҳужжатларини тайيارлаш чыноши.

"Киритди"

Тошкент давлат университетининг
"Ягона Бўғайнинг Хизмати"
Директорига-б

2022 й.

"Келишиди"

Тошкент шаҳар
Д.И.Мирзагуловаев
2022 й.